

КАСАЛХОНАНИНГ ЁРИТИЛГАНЛИК ХОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

*Шерқўзиева Г.Ф., Баҳриддинова М.Н., Эгамбердиева З., Бойсариева М.Р.
Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент*

Аннотация: Шифохоналарда ёритилганлик ҳолати нафақат беморларга хаттоки шифокорларнинг саломатлигига ҳам таъсир кўрсатади. Касалхоналарда шовқин даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айниқса ички шовқин беморлар ва тиббий ходимларга салбий таъсир кўрсатади, шунинг учун уларнинг гигиеник меъёрларга мос келишини даврий равишда текшириб туриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Калит сўзлар: шифохона, микроклим, саломатлик, организм, физиологик жараён, ёритилганлик, шовқин, аҳоли.

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ СОСТОЯНИЯ ОСВЕЩЕНИЯ БОЛЬНИЦЫ

*Шерқўзиева Г.Ф., Баҳриддинова М.Н., Эгамбердиева З., Бойсариева М.Р.
Ташкентская медицинская академия, Ташкент*

Аннотация: Состояние освещения в больницах влияет не только на здоровье пациентов, но и здоровье врачей. Уровень шума в больницах также имеет важное значение, особенно внутренний шум оказывает негативное воздействие на здоровья пациентов и медицинский персонала, поэтому целесообразно периодически проверять их соответствие гигиеническим нормам.

Ключевые слова: больница, микроклимат, здоровье, организм, физиологический процесс, освещение, шум, население.


RESULTS OF A STUDY ON THE CONDITION OF HOSPITAL LIGHTING

*Sherkuzieva G.F., Bakhriddinova M.N., Egamberdieva Z., Boisarieva M.R.
Tashkent Medical Academy, Tashkent*

Abstract: The state of lighting in hospitals affects not only the health of patients, but also the health of doctors. The noise level in hospitals is also important, especially internal noise has a negative impact on the health of patients and medical staff, so it is advisable to periodically check their compliance with hygiene standards.


Key words: hospital, microclimate, health, body, physiological process, lighting, noise, population.

Шифохоналарда беморлар ўзини яхши хис қилиши, организмдаги физиологик жараёнларининг нормал кечиши ҳамда шифокорларнинг иш шароитларини таъминлаш кўп томонлама ёритилганлик ҳолатига боғлиқ бўлади [3.5.6.8]. Палаталар ва кўрик хоналари, муаложа хоналари иш жойларини ёритиш сунъий ва табиий усулда амалга оширилади. Иш жойларини сунъий ёритишнинг асосий кўрсаткичларига ёритилганлик, ёруғлик оқими, ёруғлик кучи, равшанлилик, ёруғликни ютиш, қайтариш, ўтказиш коэффициентлари, ёритилганликни пульсация ва нотекислик коэффициенти, фон, контраст кабилар киради. ДПМларда палаталар ва иш жойларининг ёритилганлик даражаси ҳам катта аҳамиятга эгадир, чунки ёритилганлик орқали инсон атроф муҳитдан 90% гача маълумотларни олади. Шу билан бирга ёритилганлик пацент ва персоналларнинг рухий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади [1.2.4.7]. Шу сабабли биз кўп тармоқли клиника маслаҳат поликлиникаси шифокор стоматолог хонасининг ёритилганлик даражаси гигиеник баҳоладик ва қуйидаги натижаларни олдик: ёритилганлик даражаси деразага энг яқин жойда энг юқори кўрсаткични кўрсатди, яъни 302 люксга тенг бўлди ва гигиеник меъёрларга мос келди. Кўп тармоқли клиника болалар қабул бўлими катта хамшира хонасининг ёритилганлик даражаси гигиеник баҳоланганда ишчи юзада ва хона марказида ёритилганлик даражаси гигиеник меъёрларга жавоб берди, аммо деразадан энг узок масофада ёритилганлик гигиеник меъёрларга мос келмаганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Кўп тармоқли клиника болалар қабул бўлими катта хамшира хонасининг ёритилганлик даражаси (люкс)

Маълумки инсон қадим замонлардан оқ шовқин дунёсида яшаб келган. Аммо ҳозирги вақтида киши саломатлигига зарар келтирадиган шовқин биқиёс даражада ортиб кетди. Шу туфайли шовқин сабабларни тўлиқ ўрганиш уни камайтириш ва бутунлай бартараф этиш йуллари устида олимлар кўп излашишлар олиб бормоқдалар. Агарда ушбу масалани республикамиз миқиёсида кўриб чиқадиган бўлсак, ҳозирги вақтида республикамизда жуда кўп оғир ва енгил саноат корхоналар бор техниканинг жадал риволжлангиши шовқининг кўпайишига сабаб бўлмоқда зеро шовқин инсон саломатлигига салбий таъсир этади. Шу билан бирга шовқин иш жойларида ҳам гигиеник меъёрлардан юқори бўлса, иш бажариш самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Биз кўп тармоқли клиника болалар қабул бўлими катта хамшира хонасининг шовқин даражасини ўлчоб унинг қай даражада гигиеник меъёрларга мос келишини тахлил қилдик, ўлчов ўтказилган барча нуқталарда шовқин даражаси гигиеник меъёрларга мос келмади, айниқса деразага энг яқин масофада 71.4 дБа ташкил этди (2-расм).



2-расм. Кўп тармоқли клиника болалар қабул бўлими катта хамшира хонасининг шовқин даражаси (дБа)

Хулоса. Шовқин буйича ўлчов ўтказилган барча нуқталарда шовқин даражаси гигиеник меъёрларга мос келмади, айниқса деразага энг яқин масофада 71.4 дБа ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3973-сонли Қарори, 2018й
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4310-сонли Қарори, 2019 й.
3. Сан Қ ва М № 0020-22 “Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, куриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари”. Тошкент 2022й.
4. ҚМҚ “Таббий ва суъний ёритилганлик
5. Самигова, Н. Р., Шеркузиева, Г. Ф., Ачилов, Д. Д., & Бобоёров, С. У. Ў. (2021, October). Оценка Условий Труда По Показателям Тяжести И Напряженности Трудового Процесса Рабочих Станции Аэрации. In " *ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM* (pp. 324-325).
6. Самигова, Н. Р., Шеркузиева, Г. Ф., Ачилов, Д. Д., & Бобоёров, С. У. Ў. (2021). ОЦЕНКА УСЛОВИЙ ТРУДА РАБОТНИКОВ ПРОИЗВОДСТВА КЕРАМИЧЕСКИХ ПЛИТОК. *Scientific progress*, 2(6), 1586-1591.
7. Самигова, Н. Р., Шеркузиева, Г. Ф., Мусаев, Э. В., Рустамова, М. К. К., & Хаджаева, У. А. К. (2019). Особенности условий труда медицинских работников санитарно-гигиенических лабораторий. *Academy*, (2 (41)), 97-98.
8. Саломова, Ф. И., Садуллаева, Х. А., Шеркузиева, Г. Ф., & Ахмадалиева, Н. О. (2021). Ўзбекистонда COVID-19 га қарши кураш тажрибаси ва касалланганларни даволашга мослаштирилган шифохоналарда даволаниш шароитларига гигиеник характеристикаси